

Наманганда “Энг маърифатли имом” танловининг вилоят босқичи ўтказилди




17:33 / 15.10.2018 5313

Ҳар йили Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги масжидлар имом-хатиб ва имом-ноиблари ўртасида анъанавий тарзда “Йил имоми” кўрик танлови ўтказиб келинар эди.

Жорий йилдан эса мазкур танлов Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2018 йил 10 сентябрдаги 01/A092-сонли буйруғи асосида “Энг маърифатли имом” номи остида янги Низом асосида ўтказилди. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлар идораси Матбуот хизмати [хабар берди.](#)

Image not found or type unknown



Танловдан кўзланган мақсад – бугунги тараққиёт талабларига жавоб берадиган, кучли илмий салоҳиятга эга, юқори касбий маҳорат соҳиби бўлган, ташаббускор, илғор фикрли, инновацион ғоялар муаллифи, замонавий ахборот технологияларидан етарлича фойдалана оладиган ва кенг халқ оммасига ўз фикрини етказиш қобилиятига эга бўлган энг иқтидорли, фаол имом-хатибларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашдан иборат.

Image not found or type unknown




Уч босқичда ўтказилиши белгиланган танловнинг биринчи шаҳар-туман босқичи ғолиблари 15 октябрь куни Наманган шаҳридаги “Яҳёхон тўра” жоме масжидида ўтказилган вилоят босқичида ўзаро беллашдилар.



Танлов Қуръони карим тиловати билан бошланди. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Наманган вилоят вакили, вилоят бош имом-хатиби Абдулхай Турсунов сўзга чиқди. У ўтказилаётган кўрик-танловдан кўзланган мақсад юртимизни юқори савияли, кучли билимга эга диний кадрлар билан таъминлаш, имомларнинг малака ва кўникмаларини янада ривожлантириш эканини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, Абдулхай Турсунов танловда имомлардан ташқари масжидларда жонкуярлик билан хизмат қилиб келаётган, ўз устида мунтазам иш олиб бораётган бир гуруҳ ходимлар ҳам тақдирланади деб, барча иштирокчиларга омад ва муваффақиятлар тилади.

Image not found or type unknown



Танловда кузатувчи сифатида иштирок этган Ўзбекистон мусулмонлари идораси масъул ходими Муҳаммадайюб домла Ҳомидов ҳам сўзга чиқди.

У ҳақиқатда Наманган вилоятида бу йилги танловга ўзгача иштиёқ билан катта тайёргарлик кўрилганини эътироф этди ҳамда танлов иштирокчиларига омад тилади.

Танловда иштирокчиларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди ҳамда танлов сўнгида натижалар эълон қилинди:

“Энг маърифатли имом” танловининг Наманган вилоят босқичи ғолиблари:

I-ўрин: Умурзаков Кодиржон Джураевич (Поп тумани “Муҳаммадjon қори” жоме масжиди имом-хатиби)

II-ўрин: Усмонов Ибодулло Исмоилхонович (Косонсой тумани “Эшонбобо” жоме масжиди имом-хатиби)

III-ўрин: Хапизов Шамсиддин Ахмедович (Наманган тумани “Халил хожи” жоме масжиди имом-хатиби)

“Энг кўп обуна уюштирган имом”

- Ҳамроқулов Камолиддин (Норин тумани “Ҳаққулобод” жоме масжиди имом-хатиби)

“Энг кўп мақола нашр этган имом”

- Исақов Абдулвоҳид (Наманган шаҳар “Мирёқуббой Мирҳакимбой” жоме масжиди имом-хатиби)

“Энг обод масжид”

- Наманган шаҳар “Мавлоно Алийул қори” жоме масжиди (масжид имом-хатиби Ҳамдамов Абдулбосит)

“Энг тарғиботчи имом”

- Турсунов Шукрулло (Наманган шаҳар “Абу Ҳанифа” жоме масжиди имом-хатиби)

“Энг таъсирли ижодий иш”

- Икрамов Обидхон (Наманган вилоят бош имом-хатибининг ўринбосари “Жазарий матни” ҳамда “Қуръони карим тиловатида вақф ва ибтидо” рукни остида чоп этилган асарлари учун)

“Энг хушовоз муаззин”

- Юсупов Носирхон (Косонсой тумани “Аълохон маҳдум” жоме масжиди муаззини)

“Энг ишбилармон мутавалли”

- Сиддиқов Хасанхон (Уйчи тумани “Машҳад мазор” жоме масжиди мутаваллиси)

“Энг миришкор боғбон”

- Ризаев Маъмуржон (Поп тумани “Кичик Хўжаобод” жоме масжиди боғбони)

“Энг намунали таҳоратхона”

- Наманган шаҳар “Маҳдум эшон” жоме масжиди таҳоратхонаси (масжид имом-хатиби Шахобитдинов Боситхон)

“Энг замонавий қоровулхона”

- Наманган шаҳар “Абу Юсуф” жоме масжиди қоровулхонаси (масжид имом-хатиби Юсупов Боситхон)

“Энг бой кутубхона”

- Наманган шаҳар “Абу Юсуф” жоме масжиди кутубхонаси (масжид имом-хатиби Юсупов Боситхон)

Ғолиблар Наманган вилоят вакилликнинг диплом ва ташаккурномаси ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

***Islom.uz* портали таҳририяти**